


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2024 йил давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанциясида 1 269 нафар шахсга нисбатан 1 103 та жиноят иши (материал) кўриб тамомланган бўлиб, шундан 825 нафар (65 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 63 нафар (5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 50 нафар (3,9 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судига юборилган, 50 нафар (3,9 %) шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинган, 281 нафар (22,1 %), шу жумладан 40 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.



Таҳлиллар, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция ёки кассация ва тафтиш инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган қисмига нисбатан:

Бухоро (20,5 %), Сирдарё (19,5 %), Сурхондарё (18,3 %) вилоят судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Андижон (37,5 %), Сурхондарё (35,7 %), Самарқанд (27,3 %) вилоят ҳамда Тошкент шаҳар (28,2 %) судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиши бошқа ҳудуд судларига нисбатан кўпайганини кўрсатмоқда.


Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган жиноят ишлари таҳлили:

Қашқадарё вилоят суди томонидан етарли асослар мавжуд бўлса-да, жиноят ишларини реабилитация асосларига кўра тугатмаслик;

Самарқанд вилоят суди томонидан ўз ваколатига кирмайдиган жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриш каби тизимли ва кўпол қонунбузилишларга йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 1 919 нафар шахсга нисбатан 1 769 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 1 096 нафар (57,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 359 нафар (18,7 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган (*шундан 243 нафар (67,7 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган, 25 нафар (7 %) шахс МЖтКнинг 21-моддасига асосан жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилган, 91 нафар (25,3 %) шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарор қабул қилинган*), 464 нафар (24,2 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган.



Тафтиш инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорлари деярли ярмининг ўзгартирилгани ёки бекор қилингани, айниқса 243 нафар (*жами кўрилган ишларга нисбатан 12,7%*) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилгани қуйи судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришга юзаки ёндашаётганини кўрсатмоқда.


Бу борада айниқса, Олий суд тафтиш инстанциясида:

Қорақалпоғистон Республикаси (28%), Фарғона (28,6%), Наманган (25,5%) вилоят судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Сирдарё (36,8%), Наманган (36,2%), Андижон (33,3%), вилоят судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиши Республика кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатган.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар таҳлили, судлар томонидан майда безорилик (*МЖмК 183-моддаси*) билан боғлиқ ишларни кўришда бир қатор қўпол қонунбузилишларга йўл қўйиб келинаётгани, хусусан етарли ва ишончли далилларсиз шахслар маъмурий жавобгарликка тортилганини кўрсатмоқда.

Натижада, биргина 2024 йилнинг ўзида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 158 нафар шахсга нисбатан 126 та майда безорилик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўрилган. Шундан 15 нафар (*10 нафар шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган*) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган бўлса, 38 нафар шахсга нисбатан ўзгартирилган.



Ушбу кўрсаткичлар қуйи судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Қуйида тафтиш инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилишига сабаб бўлган айрим мисоллар келтирилади:

**Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.**

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2023 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, Т. ҳамда С. Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 4 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 28 июлдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. ва С. 08.08.2022 йил соат 22:30ларда Ю. билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида уни уришиб, ўртача оғир даражадаги тан-жароҳати етказишган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияси судлари мазкур Конституциявий норма ҳамда процессуал қонун талабларига риоя қилмасдан, ишдаги мавжуд шубҳа-гумонларни бартараф этмасдан туриб, қарор қабул қилган.

Хусусан, Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникасининг 09.08.2022 йилдаги маълумотномасига кўра, Ю.га “ўнг елка бўғими боғламаси чўзилиши” ташхиси қўйилган бўлиб, унинг юзи, боши ва елкасида синиш ёки дарз кетиш жароҳатлари борлиги қайд этилмаган.

Бундан ташқари “DOCTOR-D” клиникасининг 17.08.2022 йилдаги касаллик тарихи кўчирмасида ҳам Ю.да курак суяги синиши билан боғлиқ тан жароҳати мавжудлиги кўрсатилмаган.

Фақатгина воқеа содир бўлганидан 10 кун ўтганидан сўнг, яъни 19.08.2022 йилда “Шох мед” клиникасида МРТ текширувидан ўтказилганда, Ю.га “ўнг курак суяги бўйинчаси пастки қисмининг ёпик майдаланиб қисман синиши” ташхиси қўйилган.

Эксперт биргина ушбу тиббий маълумотномани экспертиза учун асос сифатида олиб, Ю.га ўртача оғирликда тан жароҳати етказилгани ҳақида хулоса берган ҳамда хулосасида Ю. ушбу тан жароҳатини зинадан йиқилганда олганини кўрсатган.

Бирок, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳолат содир бўлган жойда зина борлиги қайд этилмаган бўлиб, ушбу баённомага илова қилинган фото суратларда ҳам зина борлиги акс этмаган, шунингдек суд мажлисида ҳам воқеа содир бўлган жойда зина борлигини кўрсатувчи бирор-бир далил аниқланмаган.

Тафтиш инстанцияси судида жабрланувчи Ю. ҳам воқеа содир бўлган жойда ҳақиқатдан зина бўлмагани, жанжал бўлган жараёнда Т.нинг қўли билан бир мартаба берган зарбаси натижасида ўнг елкаси билан ерга йиқилгани, тан жароҳатини айнан Т. ва С. билан бўлган жанжалда олганини аниқ айта олмаслиги, чунки у ушбу воқеа содир бўлганидан сўнг футбол ўйнагани ва ўйин жараёнида йиқилгани сабабли ушбу тан жароҳатини ўшанда олган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида кўрсатув берган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг 15.07.2024 йилдаги мутахассис фикрида, тиббий экспертиза жараёнида қонун талаблари ва экспертларни ўтказиш юзасидан амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 01.06.2012 йилдаги “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд тиббий аниқлаш қоидалари” талабларига риоя қилинмагани қайд этилган.

Бундай ҳолатда судга оид тиббий экспертизанинг хулосасини асосли, Т. ва С.нинг жиноят содир этганини тасдиқловчи далилларни етарли, ишончли ва мақбул деб бўлмади.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 декабрдаги ҳукмига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, Т. ва С. Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилиб, оқланган.

*1-1008-2203/817-сонли иш*

**Жиноий ҳодиса юз бермаган ёки шахсининг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса, жиноят иши реабилитация асосларига кўра тугатилиши лозим.**

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2021 йил 1 апрелдаги ҳукмига кўра, Ж. Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 1 майдаги ажрими билан ҳукм бекор қилиниб, иш бўйича тўпланган далиллар Ж.ни айбдор деб топиш учун етарли эмаслиги ва қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмагани сабабли жиноят иши Жиноят-процессуал кодекси 496-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 5 сентябрдаги ажримига кўра, апелляция инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж. 04.11.2020 йил соат 08:00ларда “Гумбулоқ” деҳқон бозорининг кириш жойи яқинида ўрталарида илгаридан оилавий зиддиятлари бўлган қишлоқдоши М. билан жанжаллашиб қолиб, уни ерга йиқитиб, тана қисмига бир неча марта оёқлари билан тепиб, унга кўкрак қафаси аъзоларининг ёпиқ шикастланиши, ўнг томондан 7-қовурғасининг ёпиқ силжимасдан синиши, ўнг тирсак бўғими орқа юзасида шилинма кўринишидаги ўртача оғир шикаст етказганликда айбли деб топилган.

Ишни кўриш жараёнида Ж.ни Жиноят кодекси 105-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиш учун асос бўлган экспертиза хулосасининг ишончлилигига шубҳа туғдирувчи ҳолатлар аниқланган.

Хусусан, 16.11.2020 йилда жабрланувчи М.га нисбатан бирламчи суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши жараёнида, кўкрак қафаси МСКТ текширув маълумотномаси ва диски экспертиза ихтиёрига экспертиза тайинлаган орган томонидан эмас, балки М.нинг ўзи томонидан тақдим этилган.

Шунингдек, М.га нисбатан 01.03.2021 йилдаги қайта суд-тиббий экспертизаси ўтказилиш жараёнида, М. қайта МСКТ текширувидан ўтказилмасдан, ушбу МСКТ текшируви маълумотларидан фойдаланилган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди 26.03.2024 йилда қайта комиссия суд-тиббий экспертизаси тайинлаб, ижро учун Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказига тақдим этган бўлса-да, жабрланувчи М. суд-тиббий экспертизасидан ўтишдан қатъий бош тортгани сабабли ажрим ижросиз қайтарилган.

Судга Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази рентген-радиолог мутахассисининг хулосаси тақдим этилган бўлиб, унда диагностика марказининг 15.09.2021 йилдаги М. номига берилган МСКТ текшируви дискида текширилувчининг кўкрак қафасида синиш ёки ундан қолган жароҳат излари мавжуд эмаслиги қайд этилган.

Тафтиш инстанцияси судида кўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинган ушбу мутахассис М.га нисбатан берилган МСКТ текширув дискини таҳлилдан ўтказганида кўкрак қафасида ўзгариш мавжуд эмаслиги, синиқ ёки ундан қолган излар аниқланмагани, агарда синиш аломатлари бўлса ёшга қараб камида бир йил ва ундан кўп муддат давомида албатта излар қолиши, МСКТни алмаштириб қўйиш имконияти йўқлиги, чунки рентгенга тушаётган шахснинг анкета маълумотлари киритилиши ҳақида кўрсатув берган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 декабрдаги ҳукмига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, Ж. Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилиб, оқланган.

**Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тафтиш инстанцияси томонидан ўз ваколатига тегишли бўлмаган жиноят ишлари бўйича чиқарилган қарорлари бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2011 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 3 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2011 йил 7 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 13 мартдаги ажримига кўра, суд қарорлари ўзгартирилиб, М.нинг ҳаракати Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан Жиноят кодекси 214-моддасининг 1-қисмига қайта малакаланиб, у 2011 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят-процессуал кодекси 510-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг биринчи инстанция бўйича чиқарилган ва айни шу судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўриб чиқилади.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 июндаги “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида ҳам тегишли тушунтириш берилган.

Шунга қарамасдан, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси суди юқоридаги қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, мазкур жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб тамомлаган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 октябрдаги ажримига асосан, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 13 мартдаги ажрими бекор қилинган.

Йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жиноят ишини тафтиш инстанцияси судида кўрган судлов ҳайъати судьяларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

*1-16-11-сонли иш*

**Шу каби**, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2016 йил 22 апрелдаги ҳукмига кўра, Ш. Жиноят кодекси 154-моддаси 1-қисми, 154-моддаси 2-қисми, 155-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 25,223-моддаси 2-қисми “б” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми, 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 27 февралдаги ажримига кўра, ҳукмнинг Ш.Мусаевга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 29 июлдаги ажримига кўра, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳолатда ҳам Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси суди ўз ваколатига кирмайдиган жиноят ишини кўриб тамомлаган.

Натижада, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 7 ноябрдаги ажримига асосан, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 29 июлдаги ажрими бекор қилинган.

Йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жиноят ишини тафтиш инстанцияси судида кўрган судлов ҳайъати судьяларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далилларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлиги, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлиги аниқланиши лозим.**

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2024 йил 21 майдаги қарорига кўра, Д.га Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 183-моддаси билан 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 28 июндаги қарори билан қарор ўзгартирилиб, Д.нинг зиммасидан 2024 йил 7 май куни майда безорилик содир этгани ҳақидаги айблов чиқарилган.

Суднинг қарорига кўра, Д. 2024 йил 1 апрель ва 7 май кунлари “Бешқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган умумий ўрта таълим мактаби биносида, шу мактабнинг директори Х. билан жанжаллашиб қолиб, уни кўпол ва уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, бақир-чақир қилиб, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг осойишталигини бузиб, майда безорилик қилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 11-бандига кўра, ҳуқуқбузарлик факти ҳақидаги ва уни содир этишда шахснинг айбдорлиги масаласини аниқлашда, суд нафақат тақдим этилган материалларни текшириши, балки, зарурат бўлганда, қўшимча далилларни талаб қилиши, хусусан, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган мансабдор шахсни, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, экспертиза тайинлаши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари мазкур қонун ҳамда Пленум қарори талабларига риоя қилмасдан, ишда Д.нинг майда безорилик содир қилганини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаса-да, уни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар қабул қилган.

Хусусан, иш ҳужжатларида Х. томонидан 08.05.2024 йилда ИИБга билдириш хати берилган бўлиб, унда Д. томонидан қўпол ва уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, бақир-чақир қилиб, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг осойишталигини бузиб, майда безорилик қилингани кўрсатилмаган, балки Х. Э.га нисбатан чора кўришни сўраган.

Бундан ташқари, апелляция ва тафтиш инстанция судларига шикоят билан тақдим қилинган ҳужжатларда жабрланувчи Х., мактаб қоровули Н., ўқитувчилар С., А., Ш. томонидан далолатнома расмийлаштирилган бўлиб, унда 01.04.2024 йил Х. ва Д. ўртасида ҳеч қандай жанжал бўлмагани кўрсатилган.

Х. ва Д. ўртасида жанжал бўлмаганини тафтиш инстанциясида сўралган гувоҳлар С. ва И. ҳам тасдиқлаган.

Иш ҳужжатларида Д. томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик фактини тасдиқловчи Х. ва Ш.нинг кўрсатувларидан ташқари бирорта далил мавжуд эмаслигидан ташқари, Ш. суд мажлисида тушунтириш хатидаги кўрсатувларига қарама-қарши кўрсатув берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 14 ноябрдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Д.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1806-2401/502-сонли иш*

**Шу каби**, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2024 йил 2 июлдаги қарорига кўра, Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 183-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари, яъни 1 020 000 сўм жаримага тортилган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 5 сентябрдаги қарори билан қарор ўзгартирилиб, тайинланган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, яъни 340 000 сўмга келтирилган.

Суднинг қарорига кўра, Х. 20.06.2024 йил соат 20:00ларда “Шўртангаз” МФЙда жойлашган “5.5” номли дорихона олдида Ч. билан тортишиб қолиб, жамоат жойида бақир-чақир қилиб, бир-бирларини ҳақорат қилишиб, майда безорилик содир этган.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ҳам биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан етарли далилларсиз шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Хусусан, суд қарорларида Х.нинг айби билдирги, гувоҳларнинг суриштирув давомидаги тушунтириши, тушунтириш хати, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома билан тасдиқлангани кўрсатилган бўлса-да, иш ҳужжатларида воқеа гувоҳи бўлган бирорта шахснинг тушунтириш хати мавжуд эмас, иш бўйича фақат Х. ва Ч.дан тушунтириш хатлари олинган бўлиб, ҳолат гувоҳи бўлган шахсларни аниқлаш ёки бошқа далилларни тўплаш чоралари кўрилмаган.

Шу билан бирга билдирги, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада Х. томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик фактини тасдиқловчи бирорта маълумот мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 11 декабрдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Х.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1801-2401/5737-сонли иш*

**Шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжудлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилди.**

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2024 йил 19 июндаги қарорига кўра, О. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 101-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари, яъни 1 700 000 сўм жаримага тортилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 10 июндаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, 05.06.2024 йил ИИО ва Чилонзор туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан, фуқаро О.нинг уйи кўздан кечирилганда, ноқонуний равишда электр тармоғига уланиб, майнинг қурилмасидан фойдалангани натижасида давлат фойдасига 354 780 000 сўм миқдорда қарздорлик аниқланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 278-моддасида, башарти ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга топшириши белгиланган.

Бирок, биринчи инстанция суди О.нинг тижорат мақсадида электр тармоқларига ноқонуний уланиб, жуда кўп миқдорда зарар етказганлиги ҳолатида Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги яққол намоён бўлиб турган бўлса-да, ишни прокурорга топшириш чораларини кўрмаган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатга баҳо бермасдан, суд қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Ваҳоланки, мазкур ҳолат юзасидан Чилонзор туман прокуратураси томонидан 11.06.2024 йилда О.га нисбатан Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 11 декабрдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, О.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тугатилган.

*3-1006-2401/6471-сонли иш*

**Жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати**